

Ўрта Осиё йирик дарё хавзаларини гидрографик таърифлари

Режа:

1. Каспий денгиз хавзаси.
2. Туркманистандаги берк дарёлар хавзаси.
3. Амударё хавзаси.
4. Сирдарё хавзаси.
5. Чуй, Талас дарёлари ва Иссиккўл хавзаси.
6. Балхаш кўли хавзаси.
7. Марказий Қозоғистон берк дарёлари хавзалари.

Марузачи:

т.ф.н. Ф. Гаппаров

Чуй, Талас дарёлари ва Иссиқкүл хавзаси




Чу, Талас дарёлари ва Иссиккүл ҳавзаси Сирдарё ҳавзасидан шимолда жойлашгандир. Бу ҳавза аслида учта мустақил ҳавзадан: Талас дарёси ҳавзаси, Чу дарёси ва Иссиккүл ҳавзаларидан иборат. *Чу дарёси* Қирғиз ва Терскай Олатов тоғ тизмасидан сув оладиган Жувон-Ариқ ва Күчкор дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Чу дарёси $F=25000 \text{ км}^2$, ўртacha йиллик сув сарфи $130 \text{ м}^3/\text{с}$, оқим модули $5,2 \text{ л/с} \text{ км}^2$ га яқин. Дарё музлик-кор сувлари ҳисобига тўйинадиган гурухга киради. Чап ва унг томондан Чўнгкемин, Шамси, Иссикота, Норус, Олаарча, Оламетдин, Сўкулук, Оқсу, Қораболта, Аспара, Мерке ирмоқлари келиб қўилади.

Талас дарёси Қирғизистон ва Талас тоғ тизмалари ён бағирларидан сув оладиган Қоракўл ва Учкўшай сойларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Талас дарёсининг энг йирик ирмоқларига Қўлба, Бештош, Ўрмарол, Кумуштоғ, Қорабўра (чап томондан) ҳамда Кенкўл ва Нелди (ўнг томондан) ҳисобланади. Талас дарёси $F= 12500 \text{ км}^2$, музлик-кор сувлари ҳисобига тўйинадиган гурухга киради.

- Иссиқкүл ҳавзасининг умумий майдони 21891 км², тоғли қисмига 12660 км², күлни ўраб турувчи тоғ олди текисликлариға 3025 км², күл сув юзасининг майдонига 6206 км² түғри келади. Күлнинг ғарбий қисмидаги дарёлари кам сувли бўлиб, оқим модули 4-5 л/с*км² ни ташкил қиласи. Шарқий ва марказий қисмидаги Кунгей ва Терскей Олатовидан оқиб тушадиган дарёлар серсув бўлиб, уларнинг оқим модули 16-22 л/с км² гача кузатилади. Кунгей Олатовидан Оқсу, Терскай Олатовидан Оқсой, Топ, Тамга, Борскаун, Жуука дарёлари оқиб тушади. Уларнинг ўртача сув сарфи 5 м³/с ва ундан ортиқни ташкил қиласи. Барча йирик дарёлар қор ва қорёмғир сувларидан тўйинади. Дарёларнинг ўртача лойқалиги 0,1-0,2 кг/м³, айрим ҳолларда эса 0,01-0,02 кг/м³ ни ташкил қиласи.

Балхаш күли ҳавзаси дарёлари



- *Балхаш кўли ҳавзасининг жанубий қисми дарёлари:* Бу ҳавза жанубий ва жануби-шарқий қисмида баланд тоғ тизмалари жойлашган. Орқа Или, Кунгай Олатов тизмаларининг баландликлари баъзи жойларда 5000 м дан ортади. Балхаш кўли ҳавзасининг тоғли қисмининг умумий майдони 119000 км^2 бўлиб, ундан $800 \text{ м}^3/\text{с}$ оқим шакилланади. Ўртacha оқим модули $6,7 \text{ л/с км}^2$ га teng. Балхаш кўлига қуядиган дарёларн қаторига Или, Коратол, Биен, Оқсу, Лепса ва бошқалар киради. Улар орасида сувлилиги ва сув йиғилиш майдонининг катталиги жиҳатидан Или дарёси энг йириги ҳисобланади.
- *Или дарёси* Хитой ҳудудида жойлашган Текес ва Кунгес дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг узунлиги 950 км, сув йиғиш майдони 112700 км^2 . Ўртacha сув сарфи $473 \text{ м}^3/\text{с}$, оқим модули $5,2 \text{ л/с км}^2$, сувининг лойқалиги $0,65 \text{ кг/м}^3$. Йиллик оқимнинг 34,3 % март-июн ойларида, 42,6 % июл-сентябр ойларида ва 23,2 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади.

Шимолий Қозғистон ва Марказий Қозғистон берк хавзаси дарёлари



- *Марказий Қозогистон берк ҳавзаси дарёлариға Турғай, Иргиз, Нура ва Сарису дарёлари киради.*
- *Турғай дарёси* Сари-Турғай ва Кора-Турғай дарёларини қўшилишидан ташкил топган. Бу дарё Улу-тау тоғларидан бошланиб, оқмас Челкар-тengиз кўли билан тўгайди. Унинг сув йиғиш майдони 134000 km^2 , ўртача сув сарфи $8,5 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $0,15 \text{ l/s km}^2$. Қор сувлари ҳисобига тўйинади, тўлин сув даври баҳорда 20-25 кун давом этади.
- *Иргиз дарёси* Мугожар тоғларининг шарқий ён бағридан бошланади ва ўзининг қуи оқимида Тургайга қўшилиб, Челкар-тengиз кўлига тушади. Сув йиғиш майдони 31600 km^2 , ўртача сув сарфи $6,8 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $0,22 \text{ l/s km}^2$.
- *Нура дарёси* Каркарала тизмасидан бошланиб ўз сувини Тенгиз кўлига қуяди. Унинг узунлиги 700 км, сув йиғиш майдони 4300 km^2 . Ўртача сув сарфи $15 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $0,15 \text{ l/s km}^2$ га teng.
- *Сарису дарёси* Жақси Сарису ва Жаман Сарису дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Ашикўл кўли атрофига қумлокқа сингиб кетади. Сув йиғилиш майдони 59300 km^2 , ўртача йиллик сув сарфи $2,7 \text{ m}^3/\text{s}$.

- Қозғистоннинг шимоли-шарқий қисмида Иртиш дарёси ҳавзасининг катта қисми жойлашган. Иртиш Об дарёсининг энг йирик ирмоғи бўлиб ҳисобланади. Ҳавзанинг юқори қисми Олтой тоғларида жойлашган. У Хитой ҳудудидаги Мангол Олатови тизмаларидан бошланади. Юқори қисмида ўнг томондан Бухтарма, Ульба, Уба ирмокларини қабул қиласди.
- Иртиш ҳавзаси жуда катта майдонни эгаллаган, яъни 969000 км^2 , унинг ўртacha йиллик сув сарфи $2150 \text{ м}^3/\text{с}$, оқим модули $2,22 \text{ л/с} \text{ км}^2$ га, ўртacha лойқалиги $250\text{г}/\text{м}^3$ га тенг.